

Шахсий маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашга розилик

Ўзбекистон Республикасининг «Шахсий маълумотлар ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, мен (кейинги ўринларда — Субъект), эркин равишда, ўз хоҳиш-иродам ва ўз манфаатларимни кўзлаб, «Май Равенол» ИП МЧЖга, жойлашган манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Рақат МФЙ, 3-проезд, Қора Қум кўчаси, 3-уй, ИНН 312125422 (кейинги ўринларда — «Жамият»), шунингдек ҳозирда ёки келажакда Жамият билан боғлиқ бўлган ҳолатлар ёки ҳуқуқий муносабатлар асосида алоқадор бўлган бошқа шахсларга менинг шахсий маълумотларимни йиғиш, қайта ишлаш, шунингдек келажакда уларга киритиладиган ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчаларга нисбатан, электрон, қоғоз ва (ёки) бошқа моддий ташувчиларда қайд этилган ҳолда, аниқ, хабардор қилинган ва онгли розилигимни бераман ҳамда Жамиятнинг Интернет тармоғидаги расмий сайтида қуйидаги манзилда жойлаштирилган шахсий маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш сиёсати билан танишганимни тасдиқлайман: <https://ravenol.uz/img/PersonalPolitics.pdf> Ушбу Розилик қуйидаги шахсий маълумотларга татбиқ этилади: — фамилия, исм, отасининг исми; — электрон почта манзили; — мобил телефон рақами; — амалдаги яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар; — рўйхатдан ўтган манзил тўғрисидаги маълумотлар; — Товар харид қилинган сана; — етказиб бериш манзили; қуйидаги мақсадларда: — Жамиятнинг мен олдимдаги мажбуриятларини бажариш, улар билан алоқа ўрнатиш, жумладан Товарларни сотиш мақсадида билдиришномалар, сўровлар, ахборот хабарларини юбориш, шунингдек контрагентга телефон ёки электрон почта орқали ахборот юбориш ва қабул қилишнинг бошқа шакллари учун; — Жамият томонидан сотилаётган Товарлар бўйича техник қўллаб-қувватлашни тақдим этиш учун; — алоқа ўрнатиш, шу жумладан менинг сўров ва мурожаатларимни қайта ишлаш, Операторнинг интернет-сайти (сайтлари) иши тўғрисида хабардор қилиш, улар орқали берилган буюртмаларни бажариш учун; — Жамият хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш ва яхшилаш, Товарларни илгари суриш учун; — Жамият фаолиятига оид статистик ва маркетинг тадқиқотларини ўтказиш учун; — маркетинг тадбирларини ўтказиш, реклама хабарлари ва таклифларини юбориш, махсус акциялар ва тадбирларда иштирок этиш учун. Ушбу Розилик юқорида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун менинг шахсий маълумотларимга нисбатан зарур бўлган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга тақдим этилади, жумладан: йиғиш, жамлаш, сақлаш, ўзгартириш, қўшимча киритиш, фойдаланиш, тарқатиш, шахсдан ажратиш, блоклаш, йўқ қилиш, шахсий маълумотлар ҳимоясини таъминловчи хорижий давлатлар ҳудудига трансчегаравий узатиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига риоя қилган ҳолда менинг шахсий маълумотларим билан боғлиқ бошқа ҳар

қандай ҳаракатларни амалга оширишни ўз ичига олади. Шу билан мен тан оламан ва тасдиқлайманки, юқорида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун Жамият менинг шахсий маълумотларимни учинчи шахсга, жумладан шахсий маълумотларни трансчегаравий узатиш орқали ҳам тақдим этиш ҳуқуқига эга (бунда бундай учинчи шахслар томонидан олинган шахсий маълумотларнинг махфийлиги ва ҳимоясини таъминлаш бўйича мажбуриятлар қабул қилиниши шарт), Ўзбекистон Республикасининг «Шахсий маълумотлар ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунчилиги талабларига риоя этилган ҳолда. Ушбу розилик унинг амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади, бироқ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган муддатдан ёки Жамият томонидан амалга ошириладиган шахсий маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш мақсадлари учун зарур бўлган муддатдан ортиқ бўлмаган даврга қадар амал қилади. Шахсий маълумотларни қайта ишлашга берилган розилик унинг амал қилиш даврида исталган вақтда мен томонимдан Жамиятнинг почта манзилига ёзма мурожаат (сўров)ни ўз ичига олган хат юбориш орқали қайтариб олиниши мумкин: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ракат МФЙ, 3-проезд, Қора Қум кўчаси, 3-уй, «шахсий маълумотларга доир сўров» деган белгиси билан, ёки шу каби белги қўйилган ҳолда Жамиятнинг электрон почта манзилига электрон хат юбориш орқали: info@ravenol.uz .